

Эй одамлар, турли хаёлларга бориб, ғофил қолманг!



21:05 / 26.08.2019 2379

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

Эй одамлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин (*Фотир сураси, 5-оят*).

Эй одамлар, турли хаёлларга бориб, ғофил қолманг.

«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир».

У Зот «Қиёмат бўлади», деб ваъда берганми, демак, қиёмат бўлиши ҳақ. У Зот, «Ўлганлар қайта тирилади», деб ваъда берганми, демак, қайта тирилиш ҳақ. У зот «Бу дунёдаги ишлар охиратда ҳисоб-китоб қилинади», деб ваъда берганми, демак, охиратдаги ҳисоб-китоб ҳақ. «Кофирлар, мушриклар, мунофиқлар, осийлар ва гуноҳкорлар дўзахда азобланади», деб ваъда берганми, демак, уларнинг азобланиши ҳақ.

«Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин».

Бу дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳларига берилиб, алданиб қолманг. Бу дунё ҳаётига охиратни алмашманг.

«Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин».

Бу жумладаги «ўта алдоқчи»дан мурод шайтондир. Шайтон одамларни энг кўп ғурурга кетказди ва алдайди. Яъни «Ҳеч нарсага парво қилма, Аллоҳнинг Ўзи кечирувчи», деб, одамларни гуноҳ ишларга чорлайди. Аллоҳ таолонинг афв этиши ва мағфират қилишини суиистеъмом этиб, Аллоҳ Ўзи кечирар, деб ҳар хил гуноҳларга қўл уравериш нақадар ёмон шайтоний иш эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик зарур бўлади.

السَّعِيرِ أَصْحَابٍ مِّنْ لِّكُونُوا حِزْبَهُ، يَدْعُوا إِنَّمَا عَدُوًّا فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا لَّكُمْ الشَّيْطَانِ إِنَّ



Албатта, шайтон сизга душмандир. Бас, уни душман тутинг. У ўз гуруҳини фақат ловуллаган олов соҳиблари бўлишларига чақиради, холос (*Фотир сураси, 6-оят*).

Шайтоннинг инсон боласига душманлигида ҳеч шубҳа йўқ. Бу азалий душманликдир. Буни шайтоннинг ўзи очиқ-ойдин айтган. Аллоҳ таоло ҳам қайта-қайта уқтирган. Ҳозирги оятда ҳам Аллоҳ таоло:

«Албатта, шайтон сизга душмандир», – деб таъкидламоқда. Бунга шак-шубҳа қолмади. Шайтоннинг инсонга душманлик қилишига ажабланмаса ҳам бўлади. Лекин ажабланарлиси шуки, инсон шайтонни ўзига дўст тутиб юради. Шайтон ўзининг энг катта душмани эканини кўра била туриб, унинг айтганини қилади. Унинг ифвосига учади, ёлғонига алданади.

Эй одамлар, наҳотки, бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмайсиз?! Шайтон сизга душман бўлганидан кейин, унга ўзига яраша муносабатда бўлинг:

«Бас, уни душман тутинг».

Унга очиқ-ойдин душман деб қаранг. Унинг айтганини қилманг, ифвосига учманг, йўлига юрманг. Чунки

«У ўз гуруҳини фақат ловуллаган олов соҳиблари бўлишларига чақиради, холос».

Унинг чақириғига юрадиган бўлсангиз, дўзахий бўлишингиз турган гап.

وَأَجْرٌ مَّغْفِرَةٌ لِّمَنُ الصَّالِحِينَ وَعَمَلُوا أَمَانًا وَالَّذِينَ شَدِيدُ عَذَابٍ لِّمَنُ كَفَرُوا الَّذِينَ



Куфр келтирганларга шиддатли азоб бордир. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга мағфират ва улуғ ажр бордир (Фотир сураси 7-оят).

Шайтон гуруҳидан бўлиб, Аллоҳга ва Унинг буйруқларига куфр келтириб ўтганларга ўта шиддатли азоб бордир.

Аллоҳга иймон келтириб, иймони тақозоси ила яхши амаллар қилганларга эса бу дунёдаги гуноҳларининг мағфират қилиниши ва охиратда буюк ажр – жаннати наъим бордир.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди.